

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ**  
**ДАВЛАТ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ**  
**ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИДА**  
**МАВЖУД БЎЛГАН БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН**  
**ҚИЛИНАДИ**

Танлов жараёни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги «Кадрлар захирасини ташкиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимида ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 91-сонли буйруғида тасдиқланган тартиб-қоидалар асосида махсус тузилган комиссия томонидан 3 босқичда амалга оширилади.

**1-босқич:** Танловда иштирок этиш истаги бўлган номзодлар Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали” (<https://vacancy.argos.uz>)да рўйхатдан ўтишлари, Молия вазирлигида мавжуд бўш лавозимлардан бирини танлаб сўралган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишлари зарур.

Номзодлардан ариза ва керакли ҳужжатларни қабул қилиш **2021 йил 24 сентябрдан 3 октябргача** давом этади.

**2-босқич:** Биринчи босқичдан ўтган номзодлар билан тест синовлари ўтказилади. Номзодлар 2-босқич суҳбат жараёнига таклиф қилинишлари учун уларнинг тест натижалари **65 баллдан** кам бўлмаслиги керак.

**3-босқич:** Иккинчи босқичдан ўтган номзодлар билан юқоридаги талабларга жавоб беришларини текшириш мақсадида ўзбек, рус ва инглиз тилларида суҳбат ўтказилади. Суҳбат натижаси 100 балл тизими бўйича баҳоланади (10 та мезон бўйича ҳар бири 1-10 баллдан, энг юқори 10, энг паст 1 балл) бунда комиссиянинг ҳар бир аъзоси суҳбат натижаси бўйича номзодларга балл қўйиб чиқади.

Комиссия томонидан ҳар бир номзод бўйича баллар ҳисоблаб чиқилади ва танловнинг якуний натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-саҳифасида ([www.mf.uz](http://www.mf.uz)) ҳамда ҳар бир номзоднинг шахсий электрон почтаси ва/ёки телефон орқали эълон қилинади.

*Богланиш учун (+99871) 239-46-70 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Танловда иштирок этаётган номзод бир вақтнинг ўзида учта бўш лавозим учун ариза билан мурожаат этиш имкониятига эга.

Танловда иштирок этиш бўйича аризаларни қабул қилиш **фақат** номзодлар томонидан сайтдаги электрон сўровномани тўлдириш орқали амалга оширилади.

Ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш вақти ўтгандан сўнг юборилган ариза ва ҳужжат эгалари танловда иштирок эта олмайди.

**Ҳужжатларни қабул қилиш учун ҳавола - <https://vacancy.argos.uz>**

# ДАВЛАТ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ

## Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўлларни ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағларини бошқариш бошқармаси

### Йўл хўжалиги лойиҳаларини молиялаштириш бўлими

#### I. Бўлим бошлиғи

##### Талаблар:

- молия, иқтисодиёт, солиқ ва банк йўналишларида олий маълумотга эга бўлиши (хорижий ва халқаро олий ўқув юртлирида таҳсил олган номзодларга афзалликлар берилди);
- молия, банк, иқтисодиёт соҳаларида ёки шунга ўхшаш йўналишларда камида 5 йиллик иш тажрибага эга бўлиш;
- давлат тили, рус ва инглиз тилларини тилларини мукамал билиш (IELTS сертификатига эга бўлган (камида 5 балл) номзодлар рағбатлантирилади);
- меҳнатсеварлик ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш;
- ташаббускорлик ва таклиф бериш қобилиятини намоён қилиш;
- профессионал этикет, ҳамкасбларга ҳурмат билан қараш;
- муомала ва музокара маданияти;
- ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда таклифларини тақдим қила олиш қобилияти;
- компьютер саводхонлиги бўйича - Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларида профессионал даражада ишлай олиш;
- молия, банк, иқтисодиёт, шунингдек, олий ўқув юртлири ёки илмий тадқиқот марказларида фаолият олиб борувчи ва инглиз тили (рус тили)ни биладиган номзодларга афзалликлар берилди.

##### Вазифалар:

- Департамент (бўлим) Низомига мувофиқ юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, вазирликнинг буйруқлари асосида ўз вазифаларини амалга ошириш;
- йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг номма-ном рўйхатларини белгиланган тартибда келишилишида иштирок этиш;
- лойиҳа-қидирув ишлари, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини, ички йўлларни (“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”), намунавий уй-жойларни қуриш йўлларини, эркин иқтисодий зоналар қуриш йўлларини, кўприклар ва сунъий иншоотлар, қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг манзилли рўйхатларини келишиш;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлаш учун харид қилинадиган технологик асбоб-ускуналар, техника ва машина-механизмлар манзилли дастурларини ва рўйхатини кўриб чиқилишини таъминлаш;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни сақлаш харажатлари сметасини рўйхатдан келишиб бериш;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни, тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштирилишини назорат қилиш;

- Инвестиция дастури доирасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, ички йўллари (“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”), намунавий уй-жойларни кириш йўлларини, эркин иқтисодий зоналар кириш йўлларини, кўприклар ва сунъий иншоотлар, қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг манзилли рўйхатларини рўйхатлар ва харажатлар сметалари бўйича амалга оширилган харажатларнинг йиғма маълумотлар асосида мониторинг ва таҳлил қилиш;

- йўл хўжалиги соҳасидаги замонавий технологияларни ва етакчи хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш борасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- бўлим фаолиятига боғлиқ бўлган халқаро ва миллий илмий анжуманлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда Молия вазирлиги раҳбарияти билан келишилган ҳолда иштирок этиш;

- ўзининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида янгидан қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарорлари, Департамент (бошқарма, бўлим) иш фаолиятига таллуқли бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб боради, мустақил равишда билим савиясини такомиллаштириб боради ва белгиланган тартибда малакасини ошириб бориш;

- Вазирлар Маҳкамаси қарори ва фармойишлари лойиҳалари ишлаб чиқишда ўз ваколати доирасида ўзининг таклифлари билан иштирок этиш ҳамда асосланган таклифларини киритиш учун бошқарма бошлиғига тақдим этиш;

- Йўл хўжалиги объектларининг тасдиқланган жиҳозлаш манзилли дастурлари ижроси бўйича Молия вазирлигининг «Openbudget» алоқа порталига тегишли материаллар тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун бошқарма бошлиғига тақдим этиш;

- Молия вазирлигининг таркибий бўлинмалари томонидан тайёрланган меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда, бўлим ваколати доирасида қонун ҳужжатлари бўйича таклифларни тайёрлаш;

- Ўзининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида янгидан қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарорлари, Департамент (бошқарма, бўлим) иш фаолиятига тегишли бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб бориш, мустақил равишда билим савиясини такомиллаштириб бориш ва белгиланган тартибда малакасини ошириб бориш;

- Бўлим ваколатига тегишли бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг хатлари, таклифлари, ариза ва шикоятларини ўз вақтида ва диққат билан кўриб чиқади, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ижросини таъминлаш;

- Ижро интизомининг ички мониторингини юритади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари ва қонунчилик ҳужжатларининг бўлимга тегишли қисми бўйича ижросини муддатида бажарилишини тизимли назорат қилиш;

- Бўлимга тегишли бўлган молиявий ва хизмат ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг архивига сақлаш учун топширилгунига қадар сақланиши ва ҳисобини юритилишини таъминлаш;

# Жамғарма даромадларини прогнозлаштириш ва ҳудудий жамғармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими

## II. Бўлим бошлиғи

### Талаблар:

- молия, иқтисодиёт, солиқ ва банк йўналишларида олий маълумотга эга бўлиши (хорижий ва халқаро олий ўқув юртлирида таҳсил олган номзодларга афзалликлар берилади);
- молия, банк, иқтисодиёт соҳаларида ёки шунга ўхшаш йўналишларда камида 5 йиллик иш тажрибага эга бўлиш;
- давлат тили, рус ва инглиз тилларини тилларини мукамал билиш (IELTS сертификатига эга бўлган (камида 5 балл) номзодлар рағбатлантирилади);
- меҳнатсеварлик ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш;
- ташаббускорлик ва таклиф бериш қобилиятини намоён қилиш;
- профессионал этикет, ҳамкасбларга ҳурмат билан қараш;
- муомала ва музокара маданияти;
- ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда таклифларини тақдим қила олиш қобилияти;
- компьютер саводхонлиги бўйича - Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларида профессионал даражада ишлай олиш;
- молия, банк, иқтисодиёт, шунингдек, олий ўқув юртлири ёки илмий тадқиқот марказларида фаолият олиб боровчи ва инглиз тили (рус тили)ни биладиган номзодларга афзалликлар берилади.

### Вазифалар:

- Департамент (бўлим) Низомига мувофиқ юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш;
- Маъмурий, инфратузилма, сув хўжалиги ирригация ва мелиорация тадбирлари, шунингдек, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш – тиклашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқилишида иштирок этиш ҳамда тегишлилиги бўйича ижросини таъминлаш;
- Республика аҳамиятидаги вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, Қорақалпоғитон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг (ЯБХИК) ҳар йилги Инвестиция дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларининг манзилли рўйхатларини шакллантиришда иштирок этиш;
- Молиялаштирилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобидан Республика ва ҳудудий буюртмачиларнинг қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича Бошқарма Низомига мувофиқ манзилли рўйхатларини келишиб берилишида иштирок этиш;
- Республика ва ҳудудий буюртмачиларнинг объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини молиялаштирилишини ташкил этиш;
- Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг қурилишини амалга ошираётган буюртмачиларнинг штат

жадваллари ва сақлаш харажатлар сметаларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ кўриб чиқиш;

- Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларининг пудрат ишларини олиб бориш учун танлов комиссияси таркибида (имкон даражасида) иштирок этиш;

- Бўлим фаолиятига доир Республика бюджетининг харажатлар ёйилмасини шакллантиришда иштирок этиш;

- Республика ва ҳудудий буюртмачиларнинг тасдиқланган манзилли рўйхатларига мувофиқ тузилган харажатлар сметасини Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими дастурий таъминотида (ДМБАТ) рўйхатга олинишини таъминлаш;

- Департамент томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган капитал кўйилмалар ва давлат бюджетининг бошқа харажатларини молиялаштириш жараёнлари билан боғлиқ ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар, Вазирлар Маҳкамаси қарори ва фармойишлари лойиҳалари ишлаб чиқишда ваколати доирасида ўзининг таклифлари билан иштирок этиш ҳамда асосланган таклифларини киритиш учун бошқарма бошлиғига тақдим этиш;

- Тегишли вазирликлар ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш, шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари манзилли дастурлари ижроси бўйича Молия вазирлигининг «Openbudget» веб порталига тегишли материаллар тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун бошқарма бошлиғига тақдим этиш;

- Молия вазирлигининг таркибий бўлинмалари томонидан тайёрланган меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда, бўлим ваколати доирасида қонун ҳужжатлари бўйича таклифларни тайёрлаш;

- ўзининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида янгидан қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарорлари, Департамент (бошқарма, бўлим) иш фаолиятига таллуқли бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб бориш, мустақил равишда билим савиясини такомиллаштириб бориш ва белгиланган тартибда малакасини ошириб бориш;

- Бўлим ваколатига тааллуқли бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг хатлари, таклифлари, ариза ва шикоятларини ўз вақтида ва атрофлича билан кўриб чиқади, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ижросини таъминлаш;

- Ижро интизомининг ички мониторингини юритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари ва қонунчилик ҳужжатларининг бўлимга тегишли қисми бўйича ижросини муддатида бажарилишини тизимли назорат қилиш;